

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

“Пойтахт” бизнес марказида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг XII мажлиси ўтказилди.

Кенгаш аъзолари, депутатлар, ҳамкор мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбир парламент куйи палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатлик сайловларида муваффақият қозониш кўп жаҳатдан партиянинг сайловолди дастури лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

УзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси Ақтам Ҳайитов бу йил бўлиб ўтган парламент куйи палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатлик сайловларида муваффақият қозониш кўп жаҳатдан партиянинг сайловолди дастури лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

УзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси Ақтам Ҳайитов бу йил бўлиб ўтган парламент куйи палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатлик сайловларида муваффақият қозониш кўп жаҳатдан партиянинг сайловолди дастури лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, қонун устуворли-

гини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, аҳолининг адолатли судловга ишончини янада ошириш масалалари ҳам партиянинг диққат марказида экани қайд этилди.

– Партиямиз томонидан қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк ҳуқуқи ва қафолатларининг ишончли ҳимояланганини таъминлаш, тадбиркорлик ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни олиб ташлашга асосий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда, – деди УзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси ўринбораси Бахтиёр Ёқубов.

– Шунингдек, “Бизнесни юритиш”, глобал рақобатбардошлик, инновациялар, sanoatнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 мамлакатни қаторидан Ўзбекистоннинг нуносиби ўрин эгаллашини таъминлаш бора-сида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бунда етакчи халқлар ва хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтиришнинг истиқболларига қаратилган аниқ вазифалар қамраб олинган. Шу кунга қадар тадбиркорлик соҳасини тартибга солуви озулаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Партия миллий қонунчилигимиз ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда маҳаллий тадбиркорлар ва инвесторлар учун тушунарли бўлган ягона Инвестиция ва Тадбиркорлик кодексларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш гоёсини илгари сурмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ

Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя ва мулоқот, инсонларни ҳуқуқ қафолатлари, меҳнат фаолияти ҳар қандай шаклда камситилишларга йўл қўймаслик, тенглик муносабатларини ўрнатиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ишларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

“МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА

“Меҳнат муҳофазаси ойлиги” доирасида Чилонзор туманида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касаба уюшма кўмитаси раислари, меҳнатни муҳофазаси қилиш хизмати ходимлари иштирокида семинар ўтказилди. Унда идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари, ҳамкор ташкилотлар, туман ҳокимлиги ходимлари иштирок этди. Тадбир иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофазаси қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, “Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида”ги Қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бора-сида ўзаро ҳамкорлик самардорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди.

Сўнги пайтларда айнан шаҳар ободонлаштириш бошқармаси тизимидаги ташкилотларда бахтсиз ҳодисалар сони кўпайиб бормоқда. Бирлашма Кенгаши томонидан ушбу масала чуқур ўрганилаб чиқди. Сўнги 5 йил давомида корхона, ташкилот ва муассасаларда рўй бераётган ҳар учта бахтсиз ҳодисаларнинг биттаси ободонлаштириш бош бошқармасида рўй бераётганлиги сабабли Чилонзор туманида ўтказилган семинарда шу масалаларга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси тизимидаги ташкилотларда иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш бўрасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Юнусобод тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Рустам Юсупов, “Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларини бажариш юзасидан меҳнат муҳофазаси хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, профилактика ишлари ҳақида Бектемир туман ободонлаштириш бошқармаси меҳнат муҳофазаси хизмати мудири Муносабатхон Мухамедова, Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси етакчи вазираси, касаба уюшма кўмитаси раиси Сайёра Дўсматовалар сўзга чиқдилар.

Шунингдек, жойларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик масалаларида йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан Тошкент давлат аграр университетини талабалари томонидан саҳна кўриши намойиш этилди.

Семинар иштирокчилари томонидан берилган саволларга мутахассислар батафсил жавоб бердилар.

Тадбир давомида маърузачилар томонидан слайдлар, видеороликлар намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ: ГЛОБАЛ МУАММОГА МУҚОБИЛ ЕЧИМ

Узоқни яқин, оғирни енгил қилувчи автомобиль инсонга дастёр бўлса-да, йўл ҳаракати қондалари бузилганда у фожиа сабабчисига айланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 1,25 миллионга яқин инсон йўл-транспорт ҳодисаси (ИТХ) оқибатида ҳаётдан кўз юмади, 20-50 миллион киши жароҳат олади. БМТ экспертларининг қайд этишича, ИТХ 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар ўлимининг асосий сабабчиларидан. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти прогнозига кўра, 2020 йилда ИТХ инсонлар ўлимининг чорак қисмини ташкил қилиши мумкин.

Автомобилдан ҳавога чиқадиган захарли газлар эса яна бир оғирлик нуқта. “AirVisual” халқаро ташкилоти таҳлилларига кўра, ҳавонинг ифлослигини ҳар йили 7 миллион кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда, шунингдек, жаҳон иқтисодиётига 255 миллиард доллар миқдорда зарар етказмоқда.

Бугунги кунда 50 га яқин мамлакат йўл ҳаракати хавфсизлиги ва экология муаммоларига “Европа ҳаракатли ҳафталиги” глобал кампанияси доирасида ечим изла-

моқда. тоза ҳаракатланиш ва барқарор шаҳар транспортини ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашга интиломоқда. 2002 йилдан бошланган мазкур кампания инсонларга экология ва йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишда амалий ечимларни синаб кўриш имконини беради.

Бу йилдан Ўзбекистон ҳам мазкур кампания иштирокчисига айланади. Тошкентда 16 сентябрдан 22 сентябргача “Европа ҳаракатли ҳафталиги” ўтказилди. Ҳафталик доирасида 19 сентябрда “Бепул метро кун” ва 22 сентябрда “Автомобилсиз кун” тадбирлари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Европа Иттифоқи делегацияси, БМТ, тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати ҳафталик доирасидаги тадбирлардан бири бўлди. Унда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бора-сида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Малоҳат ХУСАНОВА

Бугунги кунда парранданилик нафақат қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналиши, балки аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат таъминловчи билан таъминлашнинг энг истиқболли тармоғига айланди.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Соҳанинг жадал ривожланишида Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Парранданиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарорга мувофиқ, парранда маҳсулотлари билан ички бозорни етарли миқдорда ва мақбул нархларда таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш, паррандачилик соҳасида илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, ҳудудлар кесимида паррандачилик кластерларини ташкил қилиш ҳамда уларга инновацион технологияларни кенг жорий этиш, паррандалар касалликларига ташхис қўйиш ва олдини олиш чораларини кўриш учун Илмий-диагностика лабораториялар ташкил қилиш вазифалари белгиланган.

Шунга мувофиқ, 2018 йилда 7,3 млрд. донга туғун, 183 миң тонна парранда гушти этиштирилган бўлиб, жорий йилда ушбу кўрсаткичнинг мос равишда 7,5 млрд. донга ва 191,4 миң тоннага етказиш режалаштирилган. Республикада 13 та паррандачилик кластерини ташкил этиш ишлари бошлаб юрилган. Илмий-диагностика лабораториясини ташкил этиш мақсадида Янгийўл туманидан 1 гектар ер майдони ажратилиши учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Мамлакатимизда 13 та паррандачилик кластерлари ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Паррандасаноат” уюшмаси томонидан парранда маҳсулотларини этиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни маҳаллийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Осиё арготек” ХК томонидан лойиҳа қўймати 5 млн. долларга тенг паррандаларни боқишга мўлжалланган технологияларни ишлаб чиқаришни бошлаган. Шунингдек, хонадонларда товуқ боқиш учун махсус сетақлари ишлаб чиқармоқда.

Бундан ташқари, Юнусобод туманида жойлашган “Глабо агромах” ХК томонидан лойиҳа қўймати 1 млн. долларга тенг автоматлаштирилган ем ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш йўлига қўйилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги “Ўзбоғоз” МЧЖ томонидан лойиҳа қўймати 1 млн. долларга тенг парранда гушгидан биогаз ишлаб чиқарадиган ускуналар таъйёрланмоқда.

Ўзбекистон “Паррандасаноат” уюшмаси матбуот хизматининг маълумот беришича Ўзбекистонда 1,5 миңдан ортиқ парранданилик корхоналарида 34 миллион бошдан ортиқ парранда санаот усулида боқилмоқда. 2019-2020 йилларда соҳага жами қарийб 3 триллион сўмлик, шундан 83 миллион долларлик туғридан-туғри хорижий инвестициялар жалб этилган. Натижада паррандалар сони 17 миллион бошгача кўпайиб, санаот усулида боқилаётганлари 50 миллион бошгача етказилади. 2017 йилда 17 миллион доллар, 2018 йилда 20 миллион долларлик парранда маҳсулотлари экспорт қилинди. 2019 йилда 37 миллион долларга етиши кутилмоқда.

“Паррандасаноат” уюшмаси томонидан деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда парранда маҳсулотларини сотиш учун ихтисослаштирилган савдо дўконларини ташкил этиш ишлари ҳам жадал давом этмоқда. Бугунги кунда Бухоро шаҳридаги “Марказий деҳқон бозори” да “Бухоро парранда” АЖ, “Жондор чин чорва” МЧЖлар томонидан биттадан, “Тўқимачи” деҳқон бозорида “Бухоро парранда” МЧЖ томонидан битта, Ғиждувон тумани “Марказий деҳқон бозори” да “Ғиждувон замин савдо” МЧЖ томонидан битта махсус фирма дўконлари қуриб ишга туширилди.

Пойтахтимизнинг Олой бозорида фаолиятини бошлаган дўкон ҳам бўйналаридаги навбатдаги қадам ҳисобланади.

Зиёда РАСУЛОВА

Муносабат

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА ТЕЖАШНИНГ СИРИ НИМАДА?

Минтақамизда сув муаммоси тақчиллиги йил сайин кучайиб бораётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам ундан оқилона фойдаланиш, режали иш тутишни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 19 сентябрь кунги сув ресурсларини бошқариш тизимини ислох қилиш ва сувдан фойдаланиш самардорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган йилги йиғилишда ҳам бу масалага алоҳида тўғрилик ўтди. Хусусан, соҳадаги муаммоларга ечим излаш, бошқарув тизимини тақомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазириликка бир қатор вазифалар берилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган Стратегиясида сувдан фойдаланиш ва уни тежаш бўйича долзарб чора-тадбирлар белгиланиб, суғоришдаги йўқотишларни қисқартириш, ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам эътироф этилди.

Йилги ҳалда сув хўжалигида илм ва инновацион жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш билан қамбарчас боғлаш масаласи ҳам муаммолар ечимига дахлдорлиги айtilди. Ёш олимларнинг илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш, талабаларда лойиҳалаш кўникмасини шакллантириш, хорижий тажриба ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимга инновациялар киритиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига “Лойиҳалаш гуруҳи”ни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Шу мақсадда институтнинг профессор-ўқитувчилари билан биргача илгор тақлиф ва тавсияларини ишлаб чиқмоқда. Бунда асосий эътибор таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвийлиги, илмий фаолият интеграцияси таъминланганига қаратилди. Ана шу мақсадда тегишли мутахассислар бўйича ишлаб чиқариш жараёнини корхоналар билан боғлаш, таълим ва амалиётни беvosита илгор ташкилотларнинг базасида ўтказилишини ташкил қилиш мумкин. Талабалар камиди бир кун ўша филиалларда ўқув жараёнини ташкил этиши мақсадида мувофиқ. Кунининг биринчи ярмида уларга назарий маълумотлар берилса, иккинчи ярмида амалий машғулотлар соҳа вакиллари билан биргача ўтказилди. Демак, талабаларнинг

тажриба орттириши, ўз малакасини оширишига имкон яратилади.

Шу ўринда Хитой файласуфи Конфуцийнинг “Эшитсам – унутман, кўрсам – ёдда сақлайман, бажарсам – тушунаман” деган мулоҳазаси ҳам айнан шу маънода айtilгани билан аҳамиятлидир.

Кайд этиш лозимки, сув ресурсларини барқарор бошқариш, улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг самардорлигини ошириш жамиятимизга катта фойда келтиради. Шу мақсадда келгусида сув муаммолари ечимини бўйича долзарб лойиҳалар ҳамда ишланмалар учун таълим даргоҳимизга Инновация вазирилик томонидан алоҳида маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида малакали мутахассислар илмий фаолиятини жадаллаштириш кўзда тутилган. Аянан профессор-ўқитувчилар, талабалар ва лойиҳа институтлари вакиллари билан биргача “Лойиҳалаш гуруҳи”га “Устоз-шогирд” аъёнаси асосида ҳамда ишлаш услубларини қўллаган ҳолда бир қатор йўналишда ишлаш кўзда тутилган.

Жумладан, сув хўжалиги иншоотлари, тизимларининг лойиҳаларини тузиш, уларнинг ишончилиги, хавфсиз ишлатилиш шaroитини ҳисоблаш ва баҳолаш, аҳоли пунктлари сув таъминоти иншоотлари ва тизимлари лойиҳасини тузиш, бу лойиҳалар бўйича муаллифлик кузатуви тадбирларини амалга ошириш, сув хўжалиги фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳаларини бажариш.

Лойиҳалаш гуруҳи шу пайтгача бўлмаган, эндиликда биргаликда ҳамкорлик қилиш, янги истиқболли лойиҳалар тузишни ўрганади. Мақсад – сув муаммосини бартараф этиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва тежашнинг бирдан бири йўлидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини матбуот хизмати раҳбари

Янги қонун

АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш энергия ресурсларини талаб қилади. Ушбу эҳтиёжни ишончли манбалар билан таъминлашни кенгайтиришга эҳтиёж йўқ эмас.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шу мақсадда қабул қилинди.

Фармон билан энергия ҳосил қилувчи қувватларни кўпайтириш ҳисобига энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илгор инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган чоралар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузурда Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги (“Узатом”) ташкил этилди.

Шу билан бирга, фармон ижроси доирасида шу йил 9 сентябрда “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Қонун қабул қилишдан мақсад – атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишни таъминловчи институт ва тизимлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини яратишдир. Шунингдек, соҳага оид нормалар ва қондаларни унификациялаш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда фуқаролар ва юридик шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш.

Аҳамиятли жиҳати – қонунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш устуворлиги белгиланганидир. Хавфсизлик таъминлашини, ахборотнинг очиллиги, ядровий қурол ва бошқа ядровий портловчи қурилмалар ишлаб чиқаришнинг таққилини ҳам асосий принциплар қаторидан ўрин олди.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, бу соҳадаги ишларни олиб бориш ҳуқуқи учун рухсатнома бериш, давлат назорати ва тегишли тартиби жорий этилди. Ядровий қурилмани ва сақлаш пунктининг хавфсизлигини даврий баҳолаш, уни жойлаштириш ҳамда барпо этиш ҳам шулар жумласидандир.

Ядровий қурилмани ва сақлаш пунктини қабул қилиб олиш ва ишга тушириш тартиби қандай бўлади? Қонунга кўра, уларни фойдаланишга қабул қилиб олиш Вазирилари Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, тегишли лойиҳада назарда тутилган барча ишлаб чиқариш ва маийш мақсадлар учун мўлжалланган объектлар билан комплекс равишда амалга оширилади.

Бу жараён эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан кўрсатилган объектлар лойиҳалари асосида тасдиқланган ҳамда хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи тегишли органлар билан келишилган дастурга мувофиқ амалга оширилади. Бу эса махсус ваколатли орган томонидан берилган лицензия мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Бундан ташқари, ядровий материаллар, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларнинг давлат ҳисоби ва назорати юритилади. Ядровий материаллар ва радиоактив моддаларни транспортда ташиш, ядровий материалларни, радиоактив моддаларни ва чиқиндиларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва қўйиб ташлаш, атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман ҳимоя қилиш, аварияга оид шайлик ва авария ҳолатида ҳаракат қилиш, аварияга оид ташқи режа ва ички режани ишлаб чиқиш тартиби мустақамланди.

Шунингдек, қонунда хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи органлар, эксплуатация қилувчи ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланди. Жисмоний ва юридик шахсларга, атроф-муҳитга радиациявий таъсир натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш нормалари, радиациявий таъсир натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби ҳам белгилаб қўйилди.

Қонун атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш ва атом энергетикасини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шaroит яратди. Атроф-муҳитни, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини ионлаштирувчи нурланишнинг салбий таъсирини ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлади. Аварияли вазиятлар ва ҳалокатлар келиб чиқиши хавфларини камайитириш мақсадида атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланишда мансабдор шахслар жавобгарлиги жорий этилди.

Ф.ДАДАХҲАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Мудоофа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси



Ўзбекистон бир неча асрлик қарамлик, қадди зигликдан кейин тикланиб олишига чорак аср керак бўлди. Чунки букилиб, ўтириб қолган одам бирданига юриб-югуриб кета олмайди. Аввал қаддини тиклаб, ростланади, ўзини тайёрлайди, мўлжални ўзи, мустақил, аниқ белгилаб, кейин юриб, югуриб кетади.

1991 йилдан кейинги 25 йиллик тарихимизни ана шундай тикланиб олиш даври сифатида эътироф этиш мумкин. Бу давр миллий тикланиш даври эди. Энди қаддимизни миллий юксалиш сари кўйдик. Бунда миллий ғоя ҳар биримиз учун дастурамал вази фасини ўтайди. Мустақиллик даврида миллий ғояга оид назарий асосларнинг ишлаб чиқилгани мамлакатимиз суверенитетини асраш, халқимизни пировард мақсадлар йўлида сафарбар қилиш, уни уюштириш ва жиқлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу йўналишда муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди, "миллий ғоя" туркумидаги ўқув фанлари шаклланди, ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмалар яратилди. Умуман, миллий ғоя тарғиботи бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Булар миллий истиқлол, яъни миллий тикланиш ғояси асосига қурилган эди. Биз бугун миллий тикланиш босқичидан миллий юксалиш фазасига ўтдик. Бизга маёқ бўладиган миллий юксалиш ғояси зарур. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш – "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" ғоясининг концепцияси ана шу улғу йўл ҳаритасини белгилаб бермоқда. Унга кўра, мамлакатимизда миллий ғояга янги давр, миллатимиз тарихининг янги босқичи талабларидан келиб чиққан реал вазифалар қўйилмоқда.

Миллий юксалиш – миллатнинг юксалиши
Ҳақиқатан ҳам шундай. Шу миллат вакили бўлган ҳаммамизнинг юксалишимиз. Шу боис 7 ёшдан 70 ёшгача ҳар бир фуқаро ўзини ҳар жиҳатдан юксалтириши лозим. Чунки "мен"лардан "БИЗ" пайдо бўлади. Биз – бу миллатимиз, дегани. Демак, ҳар бир шахс ўзини, ўз дунёқарашини, фазилатларини, айниқса, ватанпарварлигини юксалтириб борса, миллатни юксалтиришга ҳисса қўшган бўлади. Миллий юксалиш ва ватанпарварлик бир-бирига икки кўздай яқин тушунчалардир. Бунга мисол сифатида маънавият ва маърифат ахлининг буюк устози – Абдурауф Фитратнинг "Нажот йўли" ("Раҳбари нажот") асаридан бир лавҳа келтирсак: "Бундан олти ой муқаддам Истанбулга Но Камо номили ёш япон сайёҳи келган эди. У шайтон араваси (велосипед)да уч йил давомида олам кезиб, Чин, Ҳинд, Эрон, Арабистонларни айланиб чиқиб, бу ерга келганини ва бундан кейин шу икки чархли аравасида Франгистонга сафар қилиш фикри борлигини эшитдим. Шу йигит билан учрашганини хоҳладим. Бир дўстим орқали хонасига бориб, у билан мулоқотда бўлдим. 26 ёшлардаги бир йигит курсида ўтириб хат ёзарди. Йўлдоши, яъни япон давлатини кафолати бўлган байроқча илинган шайтонараваси ҳам рўпарасида турарди. Бизни эҳтиром билан кутиб олди, ўтирдик, уч йил муддатда исломий мамлакатларда кўрган ажойиботларини бизга сўзлаб берди. Сўхбат асносида дилим танг бўлиб сўрадим:

– Биродар, бепул, ёлғиз, беаслаҳа бу икки чархли араван билан Арабистоннинг жонли куйдирувчи чўлларида қандай ўтдинг? Фараз қилдикки, ўзингга таом топиб еб, ётар жой ҳам топдинг, лекин чумқуқни ҳам соғ қўймайдиган саҳройи араб чангалидан қандай ха-

лос топдинг?
Япон йигити менга қараб қулди-да, қўлини кўтариб Япон давлатининг байрогини кўрсатиб деди:
– Шу байроқ мени сиз айтганган хавф-хатардан, мушкулотлардан муҳофаза қилди!
Бу кучли жавобдан титраб кетдим, бир лаҳза сукут сақладим, лекин бу қатъий мағлубият оғир ботди, қалбимда бир интиқом туйиб, йилитни гапнинг зўри билан мағлуб қилиш мақсадида дедим:
– Биродар, аҳди ислом таъбан меҳмондўст ва мусофирларвар, шунинг учун сени ҳурмат қилганлар, лекин сен Франгистонга саёҳат қилмоқчисан, у ерда сенинг холинг мушкул бўлади, зеро, оверупалилар ҳеч бир мусофирнинг ҳолига қарашмайди.
Лекин Но Камо хотиржамлигини бузмай деди:
– Бизнинг миллатимиз ўзининг буюклиги ва шарафини бутун заминга таратгандир, унинг бирор-бир ва-

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

ЮКСАЛАЁТГАН МИЛЛАТНИНГ ОРЗУСИ ЮКСАК, МЎЛЖАЛИ АНИҚ БЎЛАДИ

қили дунёнинг ҳеч бир нуқтасида мушкулотга дучор бўлмайди. Мен шундай қавм орасида ҳам бўлдимки, япон миллатидан бошқа нарсанинг номини билмайдилар. Кейин мен борган баъзи мамлакатларда одамлар бизни ифтихор билан тилга олиб, мактабда ўз болаларида дарс берадилар. Албатта, улар мени араблардан ҳам кўпроқ эҳтиром қиладилар". Мана шуни дунёнинг шарафу саодати деса бўлади! Хулоса ўзингиздан!

Эркинлик – ҳамма нарса мумкин дегани эмас
Эътибор қилаёйсизми, бугун айримлар демократия ва эркинлик деган тушунчаларни ўзига қурол қилиб олмоқда. Лекин эркинликнинг ҳам чегараси, унинг ҳам маданияти бор. Бундай одамлар аслида эркинлик ҳақида тўғри ва тўлиқ тушунчага эга эмас. Шу боис ундан қачон, қандай қилиб, нима мақсадда фойдаланиши мумкинлигини билмайди ёки билса ҳам тан олмайди. Натижанда-чи? Натижанда улар эркинликни қурол қилиб, ундан шахсий манфаатлари, хою-ҳаваслари ва ҳаёвий нафслари йўлида, ҳатто, ўз миллатининг оёғига болта уриш мақсадида фойдаланишга бормоқда. Маънавиятсиз, маърифатсиз эркинлик ана шундай ҳалокатли йўлларга етаклаб кетиши мумкин. Бу ҳақда буюк олмон файласуфи В.Виндельбанднинг фикрлари таҳсинга лойиқ: "Аслида эса тарихда эркинлик номи остида кўп улғу ишлар амалга оширилган, лекин айнан шу ном билан қанчадан-қанча гуноҳлар қилинган. Хар бир кишининг ҳаёлига келганида юраги дукўйлаб уриб кетадиган шу ном билан қанчадан-қанча жиноят содирланган, эҳтирос адовидо сўқурилган ўзини бе-зади ва беэмомқад". Эркинлик атамасининг мазмуни, ҳақиқатда ҳам, ҳалигача турли хил бўлиб келмоқда. "Эркинлик" тушунчасини яқдил, миллий ғоямизга мос тушунсак, у миллий юксалишимизнинг креатив ресурсига айланади.

Аслида миллий ғояни тарғиб қилиш учун жой, вақт, восита танлаш унчалик катта аҳамият касб этмайди. Аммо тарғибот самарадорлигини ошириш учун уни ташкил қилиш усулларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Миллий ғояни тарғиб қилиш масаласи фақатгина у ёки бу ташкилотгагина юклатиб қўйилмаган, уни тарғиб қилиш мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган жойлари ҳам қатъий қилиб белгилаб қўйилмаган. Аслида миллий ғоянинг миллийлиги – умумхалқ ғояси эканлиги ҳам шунда. Агар барча бугун ўз соҳаси хусусиятидан келиб чиқиб, миллий қадриятларимизни, миллий тарбияни тарғиб қилиш ишлари билан ҳам шуғуланса, фуқароларимизни, албатта, бир ғоя атрофида бирлаштиришга эриша оламиз.

Бу масалада биз бир-биримиз билан тортишиб, фақат ўзимизникини маъқуллашга уринмаслигимиз керак. Айнан шу борада ўзимизни кўрсатиб қолиш фикридан йироқ бўлишимиз лозим. Биргаликда, арқонни бир хил тортмасак, бўлмайди.

Замон шиддатли, нима қилмоқ керак?
Бу саволга жавобни Президентимиз биз тушунишимиз ва чуқурроқ ангаган ҳолда ҳаракат қилишимиз учун қайта-қайта тақрорлаптилар: Тарбия, тарбия ва фақат тарбия! Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, миллий ғоя таълим-тарбия тизимининг умуртқа поғонаси бўлиши керак. Таълим дастурлари ва стандартлари билан биргаликда тарбия дастурлари ва стандартлари ҳам қабул қилиниши лозим. Ана шундагина тарбия ишлари педагогларимизнинг бўш вақтида шуғуланадиган иши эмас, балки иш вақтида шуғуланадиган асосий вазифасига айланади. Биз ёшларимизни қанча билимли, илмли қилмайлик, агар уларда маънавият, ахлоқ-одоб, маданият етар-етар бўлмаса, қилган ишларимизнинг барчаси бефойда.

Ҳар бир ўғил-қиз онгига миллий гурурни, ёшига мос маънавиятни жо қилиб борсак, улар нима яхшию нима ёмонлигини, кимга эргашиб, кимдан қочиш кераклигини англаб етади. Мустақил фикр ва қатъий эътиқодга эга бўлади. Қисқаси, оқ ва қорани бир-биридан ўзи ажратиб, бехато яшайди. Бир нарсани унутмайлик. Энди биз бўғик, букик, эгик, синик миллат эмасмиз. Қадди тик, юксалиш йўлида дадил одимлагаётган халқмиз. Юксалаётган миллатнинг орзуси ҳам, мўлжаллари ҳам пастда эмас, олдинда ва юқорида бўлади.

Яқиндагина Сенат Раиси Танзила Норбоева ҳам сенаторларга мурожаатида маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия масалалари ҳақида тўхталиб ўтди. Очиғи, хайратландим. Авваллари бу каби масалалар ялпи мажлисда бунчалик жиддий кўтарилмаган. Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда тарбия бўйича ягона тизим, тартибга солинган механизм яратилиши зарур, деган хулосага келдим.

Бу борада мамлакатимиздаги тарбиявий ишларда давлат идораларига, ҳукуматга ёрдам берадиган Миллий тарбия жамиятини тузиш мақсадга мувофиқ. Барча партияларнинг вазифалари қаторига ёшлар тарбияси масаласини киритиш керак. Ҳар бир тизимдаги малака ошириш муассасаларида тарбия бериш методикасини ўргатадиган курсларни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Миллий ғояни тарғиб қилишга мўлжалланган жамоатчилик (нодавлат нотижорат) ташкилотини ташкил этиш ҳам айни муддао.

Отбек БОЗОРОВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармаси"га тегишли, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган қуйидаги носоз автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: 1. 2005 йилда ишлаб чиқарилган "ТТЗ-80.10," русумли давлат рақами 01 DA 954 бошланғич баҳоси – 19 722 550 сўм. 2.1988 йилда ишлаб чиқарилган "ЭО2621" русумли давлат рақами 01DA952 бошланғич баҳоси – 18 980 500 сўм. Аукцион савдоси 2019 йил 14 октябрь кун соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 11 октябрь кун соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2019 йил 14 октябрь кун соат ситилмаган тақдирда тақрорий савдолари 2019 йил 21 октябрь кун бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 18 октябрь кун соат 18:00 гача қабул қилинади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр бағ" Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 93 534-05-00.

Гувоҳнома № 001805

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 01.04.2014 йилда № 009055-10 сонли реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "KAMILA GOLD TRADE" МЧЖ (СТИР 302891323) таъсисчиларининг 17.09.2019 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, 1-тор Хитой кўчаси, 8-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99893 529-87-83.

"Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Алимов Зокиржон Таҳирджанович Юқори Чирчиқ тумани, Борданкўл Қ.Ф.И Дўстлик маҳалласи, Нурафшон кўчасидаги уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Мухамедова Умида Аннамуратовнага Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Октепа м/р, 15-уй, 37-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнусобод тумани кадастр хизмати томонидан Юнусобод тумани, Матонат кўчаси (собик Бодомзар йўли 1-тор кўчаси), 41-уй, 9-хонадон эгаси Атажанов Жаҳонгир Сапарбаевич номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОЗАРБАЙЖОН КИНОСИ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

"Ўзбекино" Миллий агентлигида мамлакатимизда бўлиб турган Озарбайжон делегацияси ҳамда ўзбек кино ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек-озар халқларининг асрлар давомида шаклланган ўзаро дўстлик ва маданий муносабатлар, кино соҳасидаги ҳамкорлик хусусида сўз юритишди. Ўзбек томошабинлари учун сеvimли бўлган "Қайнона", "Аршин мол олон", "Аҳмад қаерда?" каби машҳур Озарбайжон фильмлари, ушбу картиналарга руҳияти, мавзуси яқин бўлган, Озарбайжонда ҳам томошабинлар меҳрини қозонган "Маҳаллада дув-дув гап", "Келинлар кўзголонни", "Суюнчи" каби ўзбек картиналари эътироф этилиб, келгусидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг пойтахтимиздаги "Зарафшон" кинозалда тадбирнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Озарбайжон маданият вазирлиги Кинематография бўлими бошлиғи Алмаз Гажибаба, Озарбайжон маданият вазирлиги Кинематография бўлими консултанти Гулнора Жавадова, кинорежиссёрлар, Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аёз Салаев, Мирбала Салимли, Шомил Алиев ҳамда киноактёр Мақсуд Маммадовлар иштирок этди.

Тадбирни "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов очиб берди ва ўзбек-озарбайжон ижодий ҳамкорлиги истиқболлари хусусида гапирди, ушбу ҳафталик ўзбек томошабинлари учун кино байрами бўлишини таъкидлади. Меҳмонлардан сўзга чиққан Озарбайжон маданият вазирлиги Кинематография

бўлими бошлиғи Алмаз Гажибаба қардош халқлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва дўстлик тарихи, маданий муносабатларнинг эртанги кунни ҳақида тўхтади. Ушбу ҳафталикни ташкил этишга ёрдам берган "Ўзбеккино" Миллий агентлигига самимий миннатдорчилигини билдирди.

— Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги маданий алоқалар ривожига биз киноижодкорлар ҳам ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз, — деди кинорежиссёр Мирбала Салимли. — Маданий тадбир доирасида Озарбайжон кино ижодкорлари томонидан яратилган энг сара картиналар намойиши этилади. Шулардан бири "Қирмизи боғ" фильмида бевосита Ўзбекистондаги мавжуд муаммолар ҳам ўз аксини топган. Бу картина икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ишончим комил.

Мирбала Салимлининг "Қирмизи боғ" фильми 2016 йилда суратга олинган, картинада фарзанд кўриш орзусида яшаётган эр-хотин ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмга қўйилган "Қирмизи боғ" номи метафорик хусусиятга эга. Қирмизи боғ инсон орзу-истакларининг тимсолидир. Фильм 2016 йилда "Евразия", 2018 йилда Байкал халқаро кинофестивалида "Энг яхши фильм" номинациясида голиб бўлган.

Кино кунлари доирасида "Анорзор", "Ун аллома", "Нахичеванлик Хусейн Хон. Қайтиш", "Боку вақт кўзгусида" каби бир неча фильмлар намойиш этилиши кўзда тутилган.

Рисолат МАДИЕВА

Ўзбекистон архиви – 100 ёшда

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ТАРИХИ ВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Йигирманчи асрнинг 60-йилларида собиқ иттифоқ миқёсида тиббиёт соҳасини ривожлантириш, юқумли касалликлар тарихини ўрганиш, уларга қарши самарали фаолият олиб бориш мақсадида тиббиёт ҳужжатларини давлат архивларида қабул қилиш ва сақлаш ишлари амалга оширила бошланди. Бу эса биринчи бўлиб Ўзбекистонда тиббиёт ҳужжатлари архиви ташкил этилишига олиб келди.

Ҳозирда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил этилган. Бундан асосий мақсад тиббиёт ҳужжатлари асосида касаллик тарихларини ўрганиш, йўқ бўлиб кетган касалликлар вабо, холера, яшур ҳақидаги ҳужжатларни архивда сақлаш, келажак ёш авлод бу ҳужжатлардан илмий ишлар, монографиялар ёзишда фойдаланишлари учун имконият яратишдан иборат бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви ўз йўналишидаги ҳужжатларни жамлаш, уларни давлат сақловига қабул қилиш ва уни таъминлаш ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни эълон қилиш билан шуғуланувчи республикадаги ягона, Марказий Осиё давлатларида энг йирик архивлардан бири саналади.

Ҳозирда архивда илмий, техникавий, конструкторлик-лойиха ҳужжатлари ва бир қанча тарихий аҳамиятга эга Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланади.

Архивда Республикада илм-фан соҳасининг ривожланишига ва алоҳида йўналишларнинг тараққиётига ўз хиссаларини қўшган атоқли шахслар – профессор ва олимларнинг шахсий фондлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг шахсий ҳужжатлари, фото суратлари, илмий ишларидан намуналар сақланмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор архитектор А.Бобохонов, фанлар академияси академиги, профессор-гинеколог А.Шорохова, Республикада хизмат кўрсатган агроном, Ўзбекистон қаҳрамони, қатор йиллар давомида Шредер номидаги бодгорчилик институтининг раҳбари бўлган, ўз соҳасининг усталаридан бири, богдорчилик ва узумчилик соҳасида катта муваффақиятларга эришган профессор М.Мирзаев, "Халқ академиги" деган номга эришган, Ўзбекистонда цитрус ўсимлиқларини етиштиришда катта изланишлар олиб борган дунёга машҳур лимончи дехон З.Фариддинов ва бошқа олимларнинг 5000 сақлов бирлигидаги ҳужжатлари сақланмоқда.

Яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат, яъни буюк саркарда Амир Темур қабрининг очилишида иштирок этиб, Амир Темурнинг таъна суяклари асосида тадқиқот ишларини олиб борган машҳур олим С.Молчановнинг илмий ишлари ва саркарда суякларининг рентген суратлари сақланмоқда. Бугунги кунда архивда юқорида келтирилган йўналишлар бўйича Миллий архив фондини ташкил этувчи ҳужжатлар билан бойитиш ишлари олиб борилаётган. Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, архив фаолияти ҳужжатларни сақлашдангина иборат бўлмай, балки унинг асосий йўналишларидан бири, бу ҳужжатлардан фойдаланишни ташкил қилиш ва уни тарғиб қилишдан иборат. Бу эса ўз навбатида халқимизга ва айниқса ёш авлодга фақат узоқ ўтмишдаги буюк алломуларимизнинг эмас, балки яқин тарихимизда ривожланиш сари қандай йўллари босиб ўтганимиз тўғрисида маълумотлар бериб, уларнинг маънавий ва маданий баркамоллигини яратишга хизмат қилади.

Архивнинг ривожланишига айниқса мустақиллик йилларида катта эътибор қаратилди. Меъёрий-ҳуқуқий асоси ва моддий-техник базаси яхшиланди. Бугунги кунда архивда жами 5 та бўлим ва 42 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда. Архивнинг ҳозирги замонавий биноси 2004 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, 18 та ҳужжатлар сақловхоналар ва мамыурий хоналардан иборат. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивда кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилган собиқ ходимларни эслаб ўтиш жоиз. Катта илмий ходим бўлиб ишлаган Д.И.офе, Н.Головина, Е.Бринчик, С.Разакова, бўлим мудири лавозимда меҳнат қилган М.Мирмаҳмудов ва бошқа архив соҳасидаги таниқли ходимлар архив ишини ривожлантиришда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар.

Архивда қатор йиллар давомида тиббиёт ходими Тўхта Усмонов, Раъно Халилова, Мастура Хожиметова, Шухрат Тешабоев, Дилбар Зокировалар директор лавозимида фаолият юритиб, архивнинг ҳозирги замон талабларида жавоб берадиган намунали архивлар қаторидан жой олишига замин яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивининг жамлаш манбалари 151 та бўлиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритадиган Республика аҳамиятга эга бўлган илмий-техникавий, лойиха-конструкторлик, илмий тадқиқот институтлари ва тиббиёт муассасаларидан иборат. Миллий архив фонди таркибига жами 237060 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар киритилган ва 20735 сақлов бирлигидаги алоҳида қимматли ҳужжатлар сақланмоқда.

Сўнги йилларида архивнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, архив биноси худуди қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Қўшимча штат бирикчалари билан таъминланиб, архивнинг ҳорийий давлатлар билан ўзаро алоқаларидан янги йўللар очилди. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва уларнинг сифатли сақланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Архив фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва фаолиятни автоматлаштиришга қаратилган бир қанча лойиҳалар татбиқ қилинди. Хусусан, архив ҳужжатларидан фойдаланиш, сақловини таъминлаш, шунингдек, ҳужжатларнинг хавфсизлигини сифатли таъминлаш, сақловхоналар микроклиматини назорат қилиш мақсадида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилиб фаолиятга жорий этилди. Бугунги кунда архив Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари архивлари орасида биринчи ва ягона бўлиб ўз фаолиятини халқаро ISO 9001-2015 стандарти асосида олиб бормоқда. Шу билан бирга архивда коррупцияга қарши самарали ва тизимли иш олиб бориш мақсадида ISO 37001 "Коррупцияга қарши ҳаракат бошқарув тизими" халқаро стандартини фаолиятга жорий қилиш устида иш олиб борилаётган.

Турғун МҲМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви бўлими мудири

Мамлакатимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, оилалар тинчлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишга қаратилаётган эътибор давлатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, “Нуроний” жамғармаси шаҳар бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, Матнавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгашлари томонидан ўтказилган “Ибратли оила” кўрик-танловининг шаҳар босқичида бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди.

Унда шахримиздаги энг намунали оила вакиллари, нуруний отахон ва онахонлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Мамлакатимизда оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг тарбиявий имкониятини оширишга катта аҳамият берилмоқда, — дейди “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиги Ш.Шамуталова. — Зеро, оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, урф-одатларни сақлайдиган шу билан бирга келажак наслларни нуносив инсонлар бўлиб вояга етишига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим ҳаётий воситадир. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳажмхатликка эришилади. Бинобарин, маҳаллалари мустаҳкам бўлган давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукми суради. Шунинг

учун бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун энг муҳим ва долзарб масала – оилага эътиборни кучайтириш, уни ижтимоий ҳимоялаш, эъзозлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Кўрик-танлов оила институтини мустаҳкамлаш, энг аввало, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал гоясини ҳаётга табиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, мамлакатимизда оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш тарзини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш, “бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она” деган инсонпарвар тамойилни оилаларнинг ҳаёт тарзига чуқур сингдириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, оиланинг ички муносабатлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажримларнинг олдини олиш, умуминсоний ва миллий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Пойтахтимиздаги 508 та маҳалладан 251 тасида июнь-июль ойлари давомида 126 та оилалар кўрик-танловда иштирок этган. Туман босқичларидан 11 та оила шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўланмани кўлга киритиб, беллашувда қатнашди. Танловнинг ша-



ҳар босқичида ҳар бир тумандан 1 нафар шаҳар босқичига йўланма олган оилалар 4 та шарт бўйича чиқарилади. Улар шёърлар орқали ўзларини таъинлаш, салбий иллатларнинг оила ва фарзандлар тарбиясига таъсири бўйича саҳна кўринишларини намойиш қилди. Шунингдек, уларнинг билими, тафаккур, интеллектуал салоҳияти ва нутқ маданияти синовдан ўтказилди.

Кўрик-танловнинг тақдирлаш маросимида шартлар бўйича баллар жамланиб, голиблар ва номинация совриндорлари аниқланди.

Натижаларга кўра 1-ўрин Шайхонтоҳур туманидан Ражабовлар оиласи, 2-ўрин Олмазор туманидан Ортиқовлар оиласи ва 3-ўрин Яққасарой туманидан Тоҳиржоновлар оиласи эгаллади. Шунингдек, бошқа туманлардан иштирок этган оилалар ҳам турли номинациялар голиби бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

Реклама ва эълонлар

Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги “Меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 661-сон қарорига мувофиқ меҳмонхона комплексини сотиш бўйича

ОШКОРА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

№	Меҳмонхона комплекси номи	Жойлашган жойи	Давлат улуши	Танлов савдоларини ўтказиш тартиби	Танлов савдосини ўтказиш жойи	Танлов объектнинг 30 фоизга пайсаят қилинган бўлишига эришилган нархи** (Оқибат қўшимча нархи 33,0 млн. АКШ доллари)	Сотиб олиш шартини тўлаш муддати	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори	
								қиймати (млн. сўм)	кўриниш муддати
1	“Otel O'zbekiston” МЧЖ КК (“Ўзбекистон” меҳмонхона биносини)	Тошкент ш., Махтумқул кўчаси, 45	80,13 фоиз (КК устав капиталдаги улуш)*	Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарорининг 6 ва 3-иловадари билан тасдиқланган Давлат мулкни хоржий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси қарорлари бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Мазсуляти чекланган жамиятлар устав фонди (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисида Ингомлар талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли қарори билан тасдиқланган (6-илова) Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибин соддаштиришга қаратилган меъёр ва талаблар талабларига асосан ўтказилди.	Давлат активларини бошқариш агентлиги биноси Тошкент ш., Амир Темур, шох кўчаси, 6	23,1 млн. АКШ доллари ***	3 йил, ҳар чоракда тенг улушда тўлаш	100 000,0	2 йил

Изоҳ:
 *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 23 январдаги 17-сонли қарорига кўра, “Otel O'zbekiston” МЧЖ КК устав капиталдаги давлат улуши ер ва унда жойлашган инфрақурилиш объектлари ва “Ўзбекистон” меҳмонхона комплекси биносидан 99 йил давомида фойдаланиш (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) ҳуқуқи шаклида шакллантирилган.
 **Давлат улушининг бошланғич нархи талабгорлардан буюртмалар келиб тушмаганлиги боис 10 фоизга пайсаятирилган.
 *** Олди-сотди шартномаси расмийлаштирилган санадаги Марказий банк валюта айирбошлаш курси бўйича миллий валюта сўмда ҳам тўлов амалга оширилиши мумкин.
 “Otel O'zbekiston” МЧЖ ККнинг устав капиталдаги давлат улуши кўйидаги шартлар асосида сотилади:
 давлат улушини сотиб олгандан сўнг 10 йил давомида асосий фаолият турини (меҳмонхона хизмати)ни кўрсатиш) сақлаш;
 ташқи фасадни ўзгартирмасдан меҳмонxonани таъмирлаш ва меҳмонxonани бошқаришга энг яхши менежерларни жалб қилиш;
 “Otel O'zbekiston” МЧЖ ККнинг давлат улушини (давлат улуши 80,13 фоиз) сотиб олиш бўйича Агентликка қабул қилинган инвесторларнинг буюртмалари (аризалари) белгиланган тартибда Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.
 Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгор “Otel O'zbekiston” МЧЖ ККнинг давлат улушини бошланғич нархининг камида 15 фоиз миқдоридagi маблағларини пул ўтказиш йўли билан кўйидаги ҳисоб рақамига закалатга қўйиши шарт:
 Чет эл валютасида пул ўтказиш учун, валюта ҳисоб рақами: 21 508 840 000 600 289 002, корреспондент банк: CITIBANK N.A., New York, SWIFT: CITIUS 33, USA, Acc.: 36115651, бенефициар банк: Central Bank of Uzbekistan, SWIFT: CBUZUZ22;
 Миллий валютада пул ўтказиш учун, банк коди: 00014, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, қабул қилувчининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010, тўлов топширигининг “Тўлов рекавитлари” қисмида кўрсатилган рекавитлар бўйича тўловларни амалга ошираётганда, шунингдек, пул ўтказмаси учун асос кўрсатилган ҳолда кўйидагилар кўрсатилади: Давлат активларини бошқариш агентлиги учун, ҳисоб рақами 20041086026266000000000001, СТИР 201 122 696, даромад коди бўйича 3 512 113”.
 “Otel O'zbekiston” МЧЖ ККнинг давлат улушини сотиб олиш бўйича танлов савдосида иштирок этуви талабгор ёки унинг

ваколатли вакили сотувчи — Давлат активларини бошқариш агентлигига ариза бериши шарт. Танловда қатнашиш учун ариза икки нусхада кўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширилади:
 нодавлат юридик шахслар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
 жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
 — очик танлов савдолари тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат қўйилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;
 икки нусхада ёпиқ конвертларга жойланган, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва кўйидагилар мавжуд бўлган танлов тақлифлари:
 сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
 инвестициявий мажбуриятларнинг тақлиф этилаётган суммаси, уларни қиритиш шакллари, муддати ва шартлари;
 талабгорнинг молиявий жиҳатдан қобилиятлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва (ёки) тегишли соҳада илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг (мавжуд бўлса).
 Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва/ёки имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
 Конвертларни очилинган белгиланган санасига талабгор ёзма шаклда ўзининг аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бунда талабнома берувчидан олинган закалат суммаси хабарнома рўйхатдан ўтган санадан бошлаб беш банк кундан кечиктирмай қайтарилиши керак.
 Очик танловда қатнашиш учун буюртномаларни қабул қилиш очик танлов тўғрисидаги хабарнома эълон қилинган кундан бошлабдан ва конвертларни очилинган эълондан сўнг кўрсатилган санасидан уч соат олдин тугайди.
 Сотувчи давлат мулкни сотиш бўйича танлов савдоларини ўтказиш бўйича Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарори маъқуллангандан кейин 20 (ийгрима) кундан кечикмай савдо голиби билан олди-сотди шартномасини тўзди.
 Талабгор сотувчидан “Otel O'zbekiston” МЧЖ ККдаги давлат улушини сотиб олишда иштирок этиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга, ўзига хос

хусусиятига кўра иш доирасида фойдаланиладиган ёки тижорат сирин бўлган маълумотлар бундан мустасно.
Танлов ўтказиш кунлари кўйидагида ўзгартирилди ва аввалги эълонларда белгиланган навбатдаги савдо кунлари кўйидагига ўқилди.
 Танлов тақлифлари солинган конвертнинг биринчи нусхалари очилиши 2019 йил 14 октябрда соат 15:00 да Давлат активларини бошқариш агентлиги биноси (106-хонада) бўлиб ўтади.
 Агар танлов савдолари бўлиб ўтмаган деб топилса, такрий танлов савдолари ҳар 15 кунда бир марта ўтказилади.
 Агар очик танлов тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган конвертларни очиб санасига бирорта буюртманома қабул қилинмаган бўлса ёки фақат битта буюртманома келиб тушган бўлса, танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.
 Талабгорлар томонидан давлат улушини сотиб олиш учун аризалар бўлмаган тақдирда, бошланғич нарх ҳар 15 кунда дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизи миқдориди, дастлабки қўйилган нархнинг 50 фоизигача пасаяди.
 Қабул қилинган конвертларнинг очилиши танлов савдоларини кўйидаги санада: 2019 йилнинг 30 октябрь (дастлаб қўйилган нархи 40 фоиз миқдориди пасайтирилган нархда) ва 6 ноябрь (дастлаб қўйилган нархи 50 фоиз миқдориди пасайтирилган нархда) кунлари соат 15:00да Давлат активларини бошқариш агентлигининг биноси (106-хонада) бўлиб ўтади.
 Танлов натижалари йиғилишда иштирок этган Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан имзоланган ва комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённома билан расмийлаштирилади.
 Агар харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир ой ичида сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, сотиб олиш тўловлари суммасидан олди-сотди шартномаси тузилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаштириш ставкасига тенг миқдорда чегирма берилади.
Сизни очик танлов савдоларига тақлиф этамиз!
 Сотувчи: Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент ш., Амир Темур шох кўчаси, 6. Тел: (+99871) 259-22-02, 259-20-70, 259-22-56, 259-20-91. Веб-сайт: www.davaktiv.uz, электрон почта: info@davaktiv.uz, privatization@davaktiv.uz
Хурматли тадбиркорлар! Савдо пайтида сизнинг ҳуқуқларингиз бузилган бўлса Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишонч телефони мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ишонч телефони: (0371) 259-21-37, 1082.

“101” КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишда аҳолини жалб қилишдан иборатдир.

Белгиланган қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йил-лаб йилдан мол-мулки, уй-жойини қолаверса ўзи ва ақин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, кунлар совиши ҳар бир инсонни хонадонларни иситишга ундайди. Кўплаб фуқароларимиз шу ниятда қўйбола ясалган газ ва электр ўқуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларидан, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Шу сабаб ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонларни огоҳликка чақиради.

Тоҳир ЯДГАРОВ,
 Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Биносини Ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант

Пойтахтимиз ҳудудда бепарволиклар натижасида ёнғинлар содир бўлмоқда. Бугунги кунда турли ишлаб чиқариш корхоналари очилиб, кўплаб ҳамюртларимиз ўз ишини йўлга қўйган. Натижада аҳолининг бандлиги таъминланмоқда.

Ҳар бир ишда албатта ҳар бир кишига ҳам аҳамият бўлиши керак. Озгина қилинган лоқайдлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бепарволик қаршиллик катта муаммоларни келтириб чиқаради.

Учунга туманидаги “Шамс Осие Оригинал” МЧЖга қарашли тикувчилик шехида электр симларининг қисқа туташуви натижасида 400 кв.м. майдонда ёнғин содир бўлган. Шу кун Юнусобод тумани, Бойишмол кўчасида жойлашган “Шарк Латиф” оилавий корхонасига қарашли бўлган қурилиш молларини сақлаш омборхонасига пайвандаш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузилиши оқибатида 200 кв.м. майдонда ёнғин ҳосил бўлган. Ёнғин ўчириш жанговар бўлиминининг қўрилган тезкор чора ва ҳаракатлари натижасида алангани тарқалишига йўл қўйилмади ва зудлик билан барқарор этилди.

Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал”, дейилган мақол бу чиройли сўзлар эмас, балки барчамизнинг хавфсизлигимиз, қолаверса содир бўлиши мумкин бўлган талафотларнинг олдини олишга қаратилган қундалиқ масъулятигимиздир. Юқорида келтирилган мисоллар билан биз барча ҳамюртларимизни огоҳлантираимиз ҳамда хавфсизликка чақирамиз.

Муслима РАҲИМОВА,
 Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта муҳандиси, майор

Чекиш ҳақида гап кетганида биринчи навбатда савдо республикадаги ранг-баранг савдогарлар тўпламлари кўз олдимизда намоён бўлади. Афсуски, юртимизда чекишга мойил бўлган фуқароларимиз кўпчилигини ташкил этади.

Тамани соғлиқ учун қанчалик зарар бўлсада, ҳаёт учун ҳам шунчалик ҳавфли. Айниқса маст ҳолатда сигарета чекиш ёки чекиб ўхлаб қолиш янғини оқибатларга олиб келади. Юнусобод тумани, 15-дахасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида тунда ёнғин содир бўлди. Уйнинг 10 кв.м. майдони ёнғиндан зарар кўрди. Ёнғин ўчириш жараёнида ўч қирғинчилар томонидан кўйиш тан жароҳати олган хонадон қачонки кўтарилди ва зудлик билан шифохонага юборилди. Ушбу ёнғин маст ҳолатда сигарета чекиш оқибатида содир бўлган, деб таҳмин қилинмоқда.

Сигарета чекиш яхшиликка олиб келмайди. Соғлимизга пурут етказди. Чекиб ўхлаб қолсангиз, молин-гиздан ҳам айрилиб қолишингиз мумкин.

Хусан МАМАЖОНОВ,
 “Туркiston” саройини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғиннинг кўпинча эҳтиётсизлик сабабли юз беради. “Тил-сиз ёв” оқибатида нафақат моддий зарар қўрилади. Базан у одамларнинг умрига ҳам зомин бўлади. Шу боис ёнғинни барқарор қилганда кўра зомин олган афзалдир.
 Ёнғин аниқлири, ёнғин келиб чиқишига айрим фуқароларимизнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ёки уларга риоя этмаслиги сабаб бўлмоқда. Уйда ёш бодиларни қаровсиз қолдириш, шунингдек, уларнинг бўйи етдиган жойларга гуртур ва шунга ўхшаш тез аланга олувчи нарсаларни қўйиб кетиш аниқлари ховларга олиб келмоқда. Бундан ташқари, қўйбола иситиш ўқуналаридан фойдаланиш, газ плиталарига резина шлангларни улаш, электр тармоқларидаги қисқа туташувлар кўнглисиз воқеаларни келтириб чиқармоқда.

Ёнғин қачон, қаерда, нима сабабдан юз беришидан қатъий назар одамларга ташвиш келтиради. Шундай экан доимо огоҳ бўлайлик!

Ғайрат РАСУЛОВ,
 25-ЎХБК ходими, сержант

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида 2016 йил 15 январда № 006030-07 рақами билан рўйхатдан ўтган, Яшнобод тумани, Олот кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган “INTER FREIGHT LOGISTICS” (СТИР 30372721) масъулияти чекланган жамиятининг бурчак шартнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педагогика коллежи томонидан 2015 йилда Ингомқўжаева Мафтунга Фахриддин қизи номига берилган К № 4026475 рақамли 585-рўйхат рақамли дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи томонидан 24.06.2000 йилда Исмоилова Нозима Шавкатовна номига берилган О’Қ’А № 920836 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
 ХАБАР ҚИЛАДИ
 — 30-32 даража иссиқ бўлади.
 Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, Ҳароратнинг даражаси наст бўлади.
 Тошкент шаҳрида 26 сентябрь кунни ҳаво ўзариб туради, ёнғинларнинг бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи